




# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

## 2018 йилнинг сентябрь ойи учун Ўзбекистон Республикаси истеъмол секторидagi инфляция даражаси


Жорий йилнинг сентябрь ойида истеъмол бозорида товарлар ва хизматлар нархи ўртача 1,8 %га кўтарилди. Умумий ҳисобда 9 ой давомида истеъмол секторидa инфляция даражаси 8,1 %ни ташкил этди.

### 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол нархлари индекси (ИНИ) динамикаси, %




Ой давомида умумий нархлар даражасининг ўсишига товарлар 1,9 %, хизматлар эса 1,2 %га таъсир кўрсатди.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон  
 Республикаси бўйича истеъмол нархлари индекси динамикаси**  
 (ўтган ойга нисбатан, %)




2017 йил охирига нисбатан товарлар нархи ўртача 7,4 %га, хизматлар 10,1 %га қимматлашди.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон  
 Республикаси бўйича истеъмол нархлари индекси динамикаси**  
 (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Йиллик инфляция таҳлили шуни кўрсатмоқдаки (жорий ойда ўтган йилнинг мос ойига нисбатан), жорий йилнинг январидан август ойига қадар инфляция даражаси босқичма-босқич пасайиш тенденциясига эга бўлган. Сентябрь ойида йиллик инфляция даражаси ўсиш суратига қарамай, жорий йилнинг январь-июль ойларига нисбатан юқори бўлмади.


**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол нархлари индекси динамикаси**  
(ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, %)



Жорий йилнинг сентябрь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари 3,3 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 0,3 %, хизматлар 1,2 %га қимматлашди. Йил бошидан нарх ўзгаришлари таҳлиliga кўра 2018 йилнинг 9 ойи давомида гуруҳлар доирасида хизматлар ва ноозиқ-овқат


маҳсулотлари нархлари озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин.

### 2018 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳларнинг истеъмол нархлари индекси, %




Кенгайтирилган ҳар бир гуруҳнинг ой давомида умумий истеъмол нархлари индексига таъсири шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг сентябрь ойидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўсиши умумий инфляцияга 1,4 фоиз даражасида (кейинги ўринларда ф.д.) таъсир кўрсатган бўлса, бу вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотлар ва хизматлар улуши фақатгина 0,4 ф.д. миқдорини ташкил этган.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий турдаги  
товарлар гуруҳининг нархлари ўзгариши динамикаси ва  
уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири  
(ўтган ойга нисбатан, %)**




2018 йилнинг 9 ойи давомида умумий ИНИдаги ҳар бир гуруҳнинг улуши қуйидаги диаграмма шаклида кўрсатиб ўтилган:

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий турдаги  
товарлар гуруҳининг нархлари ўзгариши динамикаси ва  
уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири  
(ўтган йилнинг декабрь ойга нисбатан, %)**



Жорий йилнинг сентябрь ва январь-сентябрь ойларида йирик гуруҳларнинг умумий истеъмол нархлари индексига таъсир улуши кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

Асосий турдаги товарлар гуруҳи нархлари ўзгаришининг  
умумий ИНИга таъсири улуши, %




*2018 йилнинг 9 ойи мобайнида инфляция даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар орасида айрим товарлар нархларининг тартибга солиниши, кредитлаш хажмининг ортиши натижасида иқтисодий жабҳаларда инвестицион ва истеъмол талабларининг кенгайиши, инфляцион тахминларнинг ўзгаригиши, нархнинг мавсумий ўзгариши, шунингдек, миллий валюта қийматидаги ўзгаришларни санаб ўтиш мумкин.*

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

Юқорида таъкидланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ой давомида ўртача 3,3 %га ўсгани умумий ИНИ даражасининг 1,4 ф.д.га ортишига олиб келди. 2017 йилнинг декабрь

ойига нисбатан нархларнинг 6,0 %га ошганлиги умумий кўрсаткичнинг 2,6 ф.д.да кўтарилишига замин яратди.


### 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



Алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси қуйидаги шаклда тақдим этилган:



## 2018 йилнинг сентябрь ойида гуруҳлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, %



Вазирлар Макамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги “Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 731-сон Қарори асосида 1-навли уннинг улгуржи-савдо нархи (1400 сўм) оширилиши билан бир қаторда аҳоли учун ноннинг эркин бозор нархи бўйича сотиш тартиби белгилаб ўтилди. Умумий ҳисобда, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1-навли ундан тайёрланган нон нархи ўртача 64,0 %га, олий навли ундан 47,2 %га ва 1-навли ун (жумладан импорт унлар) нархлари 10,5 %га қимматлашди. Ушбу маҳсулотлар нархларнинг кўтарилиши жорий йилнинг 9 ойи давомидаги умумий инфляция кўрсаткичининг 1,0 ф.д.да ошишига олиб келди.

Гуруч нархи ўтган йилнинг охирига нисбатан 44,8 %га қимматлашди ва бу ўз навбатида 2018 йилнинг январь-сентябрь ойидаги умумий ИНИнинг 0,8 ф.д.да ошишига сабаб бўлди.

### 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича гуручнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



Гўшт ва балиқ маҳсулотлари орасидан нархларида сезиларли даражада ўзгариш қайд этилган товарлар қуйидагилардан иборат:


**2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий турдаги гўшт ва балиқ маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси ўзгариши**  
(ўсиш (+), пасайиш (-), %)

Номи	2018 йилнинг августига нисбатан	2017 йилнинг декабрига нисбатан
<b>Мол гўшти</b> (суюяксиздан ташқари)	<b>+ 1,7 %</b>	<b>+ 22,9 %</b>
<b>Суюяксиз мол гўшти</b>	<b>+ 1,1 %</b>	<b>+ 13,4 %</b>
<b>Қўй гўшти</b>	<b>+ 1,1 %</b>	<b>+ 21,8 %</b>
<b>Гўшт қиймаси</b>	<b>+ 1,2 %</b>	<b>+ 14,9 %</b>
<b>Парранда гўшти</b> (сонлардан ташқари)	<b>+ 3,3 %</b>	<b>- 6,7 %</b>
<b>Товуқ болдири, сон қисимлари</b>	<b>+ 1,2 %</b>	<b>- 2,3 %</b>
<b>Тирик ва музлатилган балиқ</b>	<b>+ 0,2 %</b>	<b>+ 31,4 %</b>

Жорий йилнинг 9 ойи давомида нархлар ўзгариш динамикаси бир маромда кечмади. Мол ва қўй гўштининг энг юқори даражада қимматлашгани июль ойида қайд этилди. Парранда гўштининг нархи


эса аксинча, июль ойига қадар пасайиб, август ойдан бошлаб кўтарила бошлади.

## 2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий турдаги гўшт маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)




Ўтган йил охирига нисбатан тухум нархининг пасайишига қарамасдан, август ва сентябрь ойларида улар нархи яна ошди.

## 2018 йил январь-сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича тухумнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %




2018 йилнинг 9 ойи давомида мева ва сабзавот нархлари январь ойидан апрель ойигача қимматлашган бўлса, май ойидан августгача аксинча арзонлашди. Сентябрь ойи маълумотларига асосан ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари кўтарилганлигини навбатдаги диаграмма шаклида кўришимиз мумкин:


## 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича мева-сабзавот маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)



**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси  
бўйича карам ва помидорнинг истеъмол нархлари индекси**  
(ўтган ойга нисбатан, %)



**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси  
бўйича пиёз ва сабзининг истеъмол нархлари индекси**  
(ўтган ойга нисбатан, %)




Мева-сабзавот нархларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаса, 2018 йил январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари индекси 111,0 %ни ташкил этган.

Бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархлари даражасида жиддий ўзгаришлар кузатилмади.

### Ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

Жорий йилнинг сентябрь ойида ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархларининг 0,3 %га қимматлашиши умумий ИНИнинг 0,1 ф.д.да ошишига олиб келди. Ўтган 9 ой давомидаги ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари умумий ҳисобда нархлар даражасининг 9,1 %га ўсишига олиб келганлиги жорий даврдаги умумий ИНИ кўрсаткичининг ортишига 3,2 ф.д.да таъсир кўрсатди.


### **2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**



Сентябрь ойида ушбу гуруҳнинг истеъмол нархлари индексига қурилиш материаллари ва тамаки маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши, шунингдек, аҳолига автомобиллар учун ёқилғи қуйиш шаҳобчалари тармоғи орқали сотиладиган пропан нархларининг арзонлашиши сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари индексига таъсир даражаси бўйича етакчилик қурилиш материаллари, маиший ёқилғи (кўмир), кийим-кечак ҳамда автомобиллар учун ёқилғи товарларига тегишлидир.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича автомобиллар учун газ (ёқилғи) маҳсулотларнинг истеъмол нархлари индекси %**  
(ўтган ойга нисбатан, %)






Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида автомобиллар учун ёқилғи нархларининг ўсиши умумий инфляциянинг 0,4 ф.д.да кўтарилишига сабаб бўлди. Ёқилғи-мойлаш материаллари бозорида юзага келаётган ҳолатлар ва биржа савдоларида шаклланаётган нарх ўзгаришлари таъсири натижасида ўтган давр мобайнида пропан 48,8 %га, метан 24,1 %га қимматлашди. Шу билан бирга , жорий йилнинг сентябрь ойида пропан нархлари 15,4 %га арзонлашиб, метан нархида эса аксинча 1,6 %га қимматлашди.

9 ой давомида қурилиш материалларидан ғиштнинг нархи ўртача 48,4 %га, цемент 24,7 %га, шпатлёвка 16,5 %га, гулқоғоз 16,3 %га ва шифер 14,3 %га қимматлашди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича алоҳида турдаги қурилиш материалларининг истеъмол нархлари индекси**  
(ўтган ойга нисбатан, %)



Қуйида асосий гуруҳлари бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси тақдим этилган:


**Асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси, %**

	<i>2018 йилнинг сентябрь ойи:</i>	
	<i>2018 йил августга нисбатан</i>	<i>2017 йил декабрга нисбатан</i>
Кийим-кечак	100,7	107,0
Оёқ кийим	100,8	106,6
Газлама ва эшилган иплар	100,2	107,1
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	100,6	107,3
Маданий моллар	100,1	99,8
Қурилиш материаллари	101,0	118,4
Дори-дармонлар	100,0	102,7
Шахсий гигиена маҳсулотлари	100,2	105,3
Тамаки маҳсулотлари	106,0	122,1
Автомобиллар учун ёқилғи	97,6	113,8

## Хизматлар истеъмол нархлари индекси

Жорий йилнинг сентябрь ойида аҳоли учун хизматлар тарифлари нархлари ўртача 1,2 %га ошгани ой давомидаги умумий ИНИга 0,3 ф.д.да таъсир этди. Жорий йилнинг уч чораги мобайнида ушбу соҳада тарифлар 10,1 %га ўсганлиги ўтган давр учун умумий кўрсаткичнинг 2,2 ф.д.да ортишига сабаб бўлди

### **2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича хизматларнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**




Жорий йилнинг сентябрь ойида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида нархларнинг ўсишида асосий омил – олий таълим муассасаларида ўқиш бўйича тўлов-контрактларининг оширилганлигидир.

2018/2019 йилдан Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқиш учун тўлов шартномалари миқдори энг кам ойлик иш ҳақи (ЭКОИХ) миқдоридан келиб чиқиб ҳисоблана бошлади. Республика бўйича кузатилаётган таълим йўналишлари бўйича тўлов-контрактлари миқдори ўртача 20,3 %га ошгани (ЭКОИХ жорий йилнинг 15 июлидан 7 %га кўтарилган) ой давомидаги инфляциянинг 0,2 ф.д.да ортишига олиб келди.

Коммунал соҳасидаги нархлари тартибга солинувчи тарифларнинг ўсиши (ўртача 13,8 %), йўловчи ташиш транспортида йўл ҳақининг оширилиши (9,1 %), дам олиш хизматлари (18,2 %), хорижий тил ўргатишни ҳисобга олган ҳолда таълим хизматлари ва ҳайдовчиликка ўқитиш (15,7 %) ва маиший турдаги хизматларнинг (8,1 %) қимматлашиши таъсирида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий хизматлар истеъмол нархлари индекси шаклланди.

### 2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича йўловчи ташиш хизматлари тарифларининг индекси, %

(ўтган ойга нисбатан, %)



2017 йилнинг охирига нисбатан темир йўл транспортида йўловчи ташиш хизматлари ўртача 19,1 %га, автомобиль транспортида 9,8 % ва ҳаво транспортида йўловчи ташиш хизматлари ўртача 1,5 %га қимматлашди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг февраль ойида темир йўл орқали қатнов нархининг сезиларли даражада қимматлашиши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўз ҳисоб-китобларида аввалги қайд этилган швейцария франки қийматидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий қиймати бўйича ҳисоблаш тартибига ўтилганлиги билан бевосита боғлиқ. Ушбу ўтишнинг оқибатларини юмшатиш мақсадида компания томонидан плацкарт қийматларини арзонлаштириш юзасидан ҳисоб-китобларда қатор пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилган.

**Нархлар статистикаси бошармаси**

**71-230-80-36**

**71-230-81-74**